



ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

DSc Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Ушбу мақолада халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, аҳамияти ва назарий асослари ёритиб берилган. Шунингдек, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши босқичлари ҳамда унинг мамлакатлар иқтисодиётига қўрсатадиган таъсири баён этилган.

Калим сўзлар: интеграция, эркин савдо, умумий бозор, глобализация.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ

DSc Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье описываются сущность, значение и теоретические основы международной экономической интеграции. Кроме того, в статье описаны этапы развития международной экономической интеграции и ее влияние на экономику стран.

Ключевые слова: интеграция, свободная торговля, общий рынок, глобализация.

THEORETICAL ASPECTS OF INTERNATIONAL ECONOMIC INTEGRATION

DSc Abdurakhmonov Farkhad Abdufarmonovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. This article describes the essence, importance and theoretical foundations of international economic integration. In addition, the article presents the stages of development of international economic integration and its impact on the economy of countries are described.

Key words: integration, free trade, common market, globalization

Кириш.

Замонавий дунё интеграция жараёнлари билан ривожланмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида интеграция савдо-иқтисодий, валюта, божхона ва сиёсий бирлашмалари сифатида шаклланмоқда. Бу объектив ва табиий жараён. Интеграция жараёнлари сайёрамиз миқёсида чукурлашиб, такомиллашиб кучайиб бормоқда. Интеграция жараёнлари биринчи навбатда кўплаб халқаро ва нодавлат ташкилотларнинг шаклланишида намоён бўлмоқда. Ушбу жараён бир томондан глобаллашувнинг таъсирида юз бераётган бўлса, иккинчи томондан, мазкур воқеълик бевосита глобал иқтисодий ўзгаришларни юқори даражага кўтармоқда. Бундай шароитда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини миллий манфаатларини кўзлаб ва айни бир пайтда бошқа давлатлар билан тенг манфаатли ҳамкорлик асосида ривожлантириши, интеграцион гуруҳларда фаол иштирокчи бўлиши талаб этилади. Халқаро иқтисодий интеграция орқали ҳамкорликни амалга ошириш энг аввало иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланишни назарда тутади ва шунинг билан биргаликда ушбу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишни ҳам англаради.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг долзарблиги шундаки, замонавий жаҳон хўжалигида ҳеч бир мамлакат бошқа давлатлар билан иқтисодий интеграциясиз тўлиқ, мукаммал ривожлана олмайди. Шунинг учун жаҳондаги интеграция жараёнларини чуқур ўрганиш замонавий давр талабидир.

Тадқиқот ишининг мақсади халқаро иқтисодий интеграциянинг назарий жиҳатларини баён этиш ҳамда замонавий тенденцияларни таҳлил этишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи.

Таъкидлаш жоизки, интеграциянинг асосий назариялари бевосита Фарбий Европа интеграцияси доирасида шакллантирилган. XX асрнинг ўрталарида интеграция жараёнининг илмий тушунчалари институционал тизим, маданий рамзлар ва иқтисодий комплекснинг бирлигига асосланган бир хил макон яратиш ғояси атрофида қурилган.

Интеграцияни ўрганишда тушунчалар, назариялар ва ёндашувларнинг умумийлигини тизимлаштиришда тадқиқотчилар одатда замонавий иқтисодий ва сиёsatшунослик таълимотларини таснифлаш методологиясига таянадилар. Ҳозирги вақтда интеграция тушунчалари ва назарияларини таснифлашда иқтисодий адабиётларда қуйидаги мактаблар ажralиб туради: федерализм, функционализм, бозор-институционал (neoliberal), таркибий, дирижизм (неокейнсианизм), неофункционализм, коммуникация ва бошқалар. Федерализм мактаби Европа интеграциясининг моҳиятини очиб беришга қаратилган. Европани бирлаштириш орзуларидан илҳомланган Европа федерализми интеграциянинг энг кенг тарқалган тушунчаси ҳисобланади. Миллий давлатни танқид қилган федералистлар, мавжуд миллий тузилмалар ичida фуқаролар энди иқтисодий ва сиёсий хавфсизликни ҳис қилмаётганини таъкидлаганлар. Аксарият муаллифлар федерализм деганда конституциявий асосда шаклланган ҳокимият ва уни бир қатор даражаларда бўлинишини назарда тутувчи давлат қурилмаси концепциясини тушунадилар. Хусусан, федерализм сиёсий тизимларнинг мавжудлиги сифатида белгиланади ва унда марказий ҳамда минтақавий ҳокимиятлар ўртасида ҳокимият тақсимоти мавжудлиги айтилади. Федерализм ғоясининг намоёндалари бўлиб Spinelli (1950), Albertini (1960), Forsyth (1981) ҳисобланадилар.

Функционалистлар ва федералистлар иқтисодий ва сиёсий соҳалар ўртасидаги муносабатлар муаммоларига, яъни интеграциянинг сиёсий ва институционал жиҳатларига эътибор қаратганлар.

Функционализмнинг асосчиси Mitrany (1975) бўлиб, олим халқаро ҳамжамиятнинг идеал шаклини изламаслик, балки у бажариши керак бўлган функцияларни очиб бериш керак деб ҳисоблаган. Функционализмга кўра, суверенитет фақат функция орқали ўтказилиши мумкин. Mitrany (1944) ўзининг "Working peace system" асарида давлат эмас, балки функция жаҳон ҳамжамиятида бирлаштирувчи тамойил бўлиши кераклиги ғоясини илгари сурган. Mitrany федерализмни ҳаракатларнинг механик тарқалиши деб ҳисоблаган, у давлатлар умумий муаммолар (қашшоқлик, муаммони ҳал қилишда давлатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик) асосида бирлашиши кераклигини таъкидлаган. Функционализм ҳаракатларнинг узлуксизлигига асосланади, яъни бунда босқичма-босқич ўзаро боғлиқлик тизими яратилиб муаммолар биргаликда ҳал қилинади. Функционализмнинг асосий тамойили оқилона тартибга солиш орқали давлатлар ўртасидаги зиддиятларни минималлаштирадиган функционал соҳаларни аниқ ажратиб олишdir. Функционал ҳамкорлик сиёсий эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий режалар ҳамда вазифаларни тузишдан бошланади, масалан, умумий ресурсларни бошқариш, ишсизлика қарши кураш ва соғлиқни сақлаш каби. Функционализмда икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар ўртасида ўзларини қизиқтирган масалаларни ҳал қилиш учун халқаро ташкилотлар ташкил этиш асосий қадам сифатида қаралади. Неофункционализм доирасида интеграция мантиғи биринчи бўлиб Haas (1958) томонидан ишлаб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Функционализмнинг ривожланиш босқичи сифатида нео-функционализм мактаби институционализм назариясини ривожлантириди ва Европа интеграциясининг сиёсий иқтисодиётини асоси бўлди. Mitrany ва Haas ғоялари Европа иқтисодий ҳамжамиятини қуришда амалий ифодасини топди. Функционализмдан фарқли ўлароқ неофункционализмда интеграция жараёнида сиёсий омил зарурлиги тан олинди. Haas (1958) сиёsatни "қуий" ва "юқори" га ажратди. "Қуий" сиёsat фаровонлик ва иқтисодий ўсишни яхшилаш билан боғлиқ соғ прагматик мақсадларни ўз ичига олади. "Юқори" сиёsat эса ташқи сиёsat стратегиясини,

миллий манфаатларни ҳимоя қилишни ва давлатнинг халқаро обрўсини қўллаб-кувватлашни назарда тутади. Шундай қилиб, интеграция жараёнининг "кўйи субъектлари" манфаатлар гурухлар ва сиёсий партиялар, "юқори" эса миллатлараро органлар ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари иқтисодий интеграция назариясида интеграция механизмини ҳар хил баҳолаш орқали фарқ қилувчи бир қатор йўналишлар мавжуд. Булар неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнслик, дирижизм йўналишлариdir. Илк неолиберализм вакиллари (1950-1960)- швейцариялик иқтисодчи Ropke (1950) ва франциялик Maurice (1960) тўлиқ интеграция дейилганда давлатларнинг иқтисодий сиёсати ва мавжуд миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан қатъи назар, бир неча мамлакатлар миқёсида стихияли бозор кучлари ва эркин рақобат таъсири асосида амалга ошириладиган ягона бозор маконини барпо этишини тушунгандар. Уларнинг фикрича, давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасига аралашуви инфляция, халқаро савдонинг номутаносиблиги каби салбий ҳодисаларга олиб келади. Бироқ, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши, давлатларнинг фаол иштирокида минтақавий давлатлараро иттифоқларнинг шаклланиши дастлабки неолибераллар қарашларининг номувофиқлигини кўрсатди.

Кейинги босқич неолиберализм тарафдорлари қаторида бўлган Венгрияда туғилган америкалик иқтисодчи Balassa (1961) биринчи бўлиб интеграцияга икки томондан, яъни жараён ва ҳолат томонидан қараб баҳо берди. Интеграцияни оддийдан мураккаб шаклларгача ривожланаётган жараён сифатида кўриш интеграция жараёнининг босқичларини тизимлаштириш имкониятини берди. Balassa интеграция муаммосини бироз бошқача йўналишда кўриб чиқди, яъни у иқтисодий интеграция давлатнинг иқтисодий ишларда янада фаол иштирок этишига олиб келиши даражасига эътибор қаратди. Бунда ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий жараёнлар асосида содир бўлаётган интеграция эволюциясига катта эътибор берилди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида корпорационализм йўналиши вужудга келди, уларнинг вакиллари америкалик иқтисодчилар Rolf (1959) ва Rostow (1959) фикрларича, интеграция жараёни халқаро корпорациялар томонидан тезлаштирилиши мумкин, уларнинг фаолияти жаҳон иқтисодий муносабатларининг оқилона ва мувозанатли ривожланишига ёрдам беради деб ҳисоблайдилар. Улар трансмиллий корпорациялар (ТМК) бозорларни бирлаштириш, иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришдан манфаатдор ва шунинг учун улар кўпинча интеграцияни шакллантиришда давлат институтларига таъсир кўрсатади деб таъкидлаганлар.

Структурализм вакиллари-швед иқтисодчиси Myrdal (1958) Streeten (1958), Perroux (1973) интеграцияланадиган маконда товарлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатини тўлиқ либераллаштириш ғоясини танқид қилиб, бозор механизмининг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришда номутаносибликларга олиб келади, даромадлар тенгсизлигини чуқурлаштиради деб ишонгандар. Иқтисодий интеграция улар томонидан интеграциялашган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг чуқур жараёни сифатида кўриб чиқилди, бунинг натижасида сифат жиҳатидан янги интеграциялашган макон, янада мукаммал иқтисодий организм вужудга келади. Уларнинг фикрича, интеграцияни ривожлантириш кутблари бўлиб йирик фирмалар, саноат компаниялари, бутун саноат соҳаси ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида неокейнслик ғоялари кенг тарқалди ва ушбу йўналиш вакиллари америкалик иқтисодчи Cooper (1988) ва бошқалар халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг марказий масаласини, яъни халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг турли хил афзалликларидан фойдаланиш баробарида ҳар бир мамлакат учун максимал эркинлик даражасини сақлаб қолиши кўтарганлар. Неокейнслилар халқаро интеграцияни ривожлантиришнинг иккита мумкин бўлган вариантини илгари сурдилар: биринчиси, иқтисодий мақсадлар ва сиёсатни мажбурий мувофиқлаштириш орқали кейинчалик миллий эркинликни йўқотиш билан интеграция; иккинчиси-иложи борича кўпроқ миллий автономияни сақлаб қолиш шарти билан интеграция. Ушбу вариантларнинг ҳеч бири соғ шаклда тақдим этилмаслигини тахмин қилиб, улар интеграциялашган томонларнинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш орқали уларни мақбул тарзда бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Неокейнсча тенденциянинг бир тури дирижизм бўлиб, унинг назариётчилари интеграция жараёнларида бозор механизмининг ҳал қилувчи ролини инкор этадилар ва халқаро иқтисодий тузилмаларни яратиш ва фаолият кўрсатиши интеграциялашган томонлар томонидан умумий иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ижтимоий қонунчиликни келишиш, кредит сиёсатини

мувофиқлаштириш деб ҳисоблайдилар. Ушбу йўналиш голландиялик олим Tinbergen (1961), (1965) томонидан тақдим этилган. Унинг фикрича, гармоник турдаги интеграцион ҳамкорликда аъзо давлатлар томонидан суверен ваколатларининг маълум бир қисмини умумманфаатлар учун махсус ташкил этилган халқаро тузилмаларга топшириш масаласида ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Tinbergen интеграция жараёнларида иштирок этаётган мамлакатларни жаҳон ҳукмронлигини орзу қилган бирон бир супер давлатнинг хоҳишига кўра эмас, балки ўзаро келишув асосида ўз суверен ҳуқуқларини ихтиёрий равишда камайтиришга чақирган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда иқтисодий интеграциянинг моҳияти сиёсий ва иқтисодий томондан илмий жиҳатдан ўрганилган ва уларни амалиётда қўллаш бўйича таклифлар берилган. Бироқ, ушбу йўналишда вужудга келган илмий мактаблар изланишларини алоҳида тадқиқотлар бўйича амалга оширганлар ва халқаро иқтисодий интеграцияни яхлитлигича тўлиқ ўрганмаганлар.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот методологияси маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг халқаро иқтисодий интеграцияни турли жиҳатларига бағишлиланган концепцияларига асосланади. Тадқиқотнинг услубий асосини структуравий-функционал ва иқтисодиётда неолиберал ёндашув ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар мұхоказаси.

Замонавий жаҳон иқтисодиёти ривожланишида иккита бир-бирига параллел ва ўзаро боғлиқ жараёнлар, яъни бир томондан, минтақавий иқтисодий интеграция ва иккинчи томондан глобаллашув чуқурлашиб борилаётганлиги яққол кузатилмоқда. Бошқача айтганда, минтақавийлашув ва глобаллашув дунё мамлакатларини ривожлантиришнинг асосий жараёни ҳисобланмоқда. Халқаро иқтисодий интеграция феномени икки иқтисодий тенденция-минтақавийлашув ва глобаллашувнинг ўзаро таъсири сифатида тақдим этилмоқда.

Жаҳон интеграцияси тарихи дастлабки давлатлар ташкил топган даврларга бориб тақалади ва чуқур илдизга эга. Кўп асрлар давомида дунё мамлакатлари ва халқларини бир-бирига босқичма-босқич яқинлашиши жараёни кузатилади. Бугунги кунда ушбу жараён умумиятла олганда сезиларли равищда тезлашди ва барча соҳаларга тегишли бўлмоқда. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар ва ҳуқуқ доктринасидан келиб чиқсақ, минтақавий иқтисодий интеграция XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, айни пайтда деярли бутун дунё мамлакатларида ривожланиб бормоқда. Илк кўриниши иқтисодий соҳани ташкил этган интеграция бугунга келиб бир қатор соҳаларни қамраб олди ва бевосита глобаллашувни ривожланишига олиб келди. Глобализация дунё давлатлари ва барча жамиятларнинг ўзаро муносабатлари янги фазасини ва умумийлигини ифода этади.

Дунёда 150 дан ортиқ минтақавий савдо-иктисодий иттифоқлар мавжуд (уларнинг аксарияти 1990-йилларнинг иккинчи ярмида ёки ундан кейин тузилган), улар иқтисодиётни бирлаштириш даражаси, ушбу гуруҳга киритилган давлатлар сони, интеграция усуллари, иштирокчиларнинг биргаликдаги фаолияти йўналишлари бўйича фарқланади. Жаҳон савдоси умумий ҳажмининг камида 2/3 қисми минтақалараро савдо-иктисодий алоқалар ҳиссасига тўғри келади (Хейфец, 2022).

Глобаллашув ва минтақавий иқтисодий интеграция бир-бирини тақозо этувчи ҳамда айни бир пайтда айрим олимлар фикрларича баъзи жиҳатларда бир-бирига зид тушунчалардир. Аммо иккала тенденция глобаллашув ва минтақавийлашув кўп жиҳатдан сайёрамизнинг турли бурчакларида биргаликда муваффақиятли мавжуд бўлмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграция глобализациядан ёки иқтисодий глобализациядан фарқли ўлароқ кўпроқ минтақавий интеграция ҳисобланади. Айни пайтда минтақавий интеграция байналминаллашув ва глобаллашув тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг барчаси алоҳида мамлакатлар ва жамиятлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган.

1-жадвал

Асосий минтақавий (халқаро) иқтисодий интеграцион ташкилотлар⁹⁷

Интеграцион ташкилотлар	Иштирокчилар	Интеграциялашув даражаси
Европа Иттифоқи-ЕИ (1992) (European Union-EU)	Австрия, Бельгия, Болгария, Хорватия, Кипр, Чехия, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Ирландия, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Холландиния, Польша, Португалия, Руминия, Словакия, Словения, Испания, Швеция, (Буюк Британия -2020 йил чиқиб кетган)	Иқтисодий иттифоқ
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги – МДҲ (1991) (The Commonwealth of Independent States (CIS))	Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, (Украина-2018 йилгача). Грузия-2009 йилгача)	Иқтисодий иттифоқ
Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси – (1985) (South Asian Association for Regional Cooperation – (SAARC))	Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мальдив, Непал, Покистон, Шри-Ланка	Иқтисодий иттифоқ
Араб Мағриб Иттифоқи (1989) (The Arab Maghreb Union (AMU))	Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокаш, Тунис	Иқтисодий иттифоқ
Фарбий Африка мамлакатларининг иқтисодий ҳамжамияти – (1975) ЭКОВАС (Economic Community of West African States – (ECOWAS))	Бенин, Буркина-Фасо, Гамбия, Гана, Гвинея, Гвинея-Бисау, Кабо-Верде, Кот-д'Ивуар, Либерия, Мали, Нигер, Нигерия, Сенегал, Съерра-Леоне, Того	Иқтисодий иттифоқ
Жанубий Тинч океани минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорлик иттифоқи(1981) (South Pacific Regional (Trade and Economic Cooperation Agreement – (Sparteca))	Австралия, Вануату, Кирибати, Маршалл Ороллари, Микронезия Федерацияси, Науру, Ниуэ, Янги Зеландия, Кук Ороллари, Палау, Папуа-Янги Гвинея, Самоа, Соломон ороллари, Тонга, Тувалу, Фиджи	Савдо битими
Шимолий Америка эркин савдо шартномаси-(1994) (North American Free Trade Agreement (NAFTA)) (The United States-Mexico-Canada Agreement (USMCA)) (2020)	АҚШ, Канада, Мексика	Эркин савдо худуди

⁹⁷ Муаллиф томонидан тузилди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (1984) АТЭС (Asia-Pacific Economic Cooperation (APEC))	Австралия, Бруней, Вьетнам, Ҳонгконг, Индонезия, Канада, Хитой, Корея Республикаси, Малайзия, Мексика, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Перу, Россия Федерацияси, Сингапур, АҚШ, Тайвань, Таиланд, Филиппин, Чили, Япония	Эркин савдо ҳудуди
АСЕАН Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси – (1967) (Association of Southeast Asian Nations-(ASEAN))	Бруней, Бурма, Камбоджа, Индонезия, Лаос, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Вьетнам	Эркин савдо ҳудуди
Лотин Америкаси интеграция уюшмаси (1980) Latin American Integration Association - LAIA	Аргентина, Боливия, Венесуэла, Бразилия, Колумбия, Куба, Мексика, Парагвай, Перу, Чили, Уругвай, Эквадор	Эркин савдо ҳудуди
Жанубий Конуснинг умумий бозори (1991) МЕРКОСУР (MERCOSUR) испанча Mercado Común del Sur (Southern Common Market)	Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Парагвай, Уругвай	Умумий бозор
Марказий Америка умумий бозори (1960) (Central American Common Market – (CACM))	Коста-Рика, Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа	Умумий бозор
Анд умумий бозори (Анд Миллатлар Ҳамдўстлиги, Анд гурӯҳи) (1969) Andean Community	Боливия, Колумбия, Перу, Эквадор	Умумий бозор
Кариб дengизи ҳамжамияти ва Кариб дengизи умумий бозори (1973) (Caribbean Community and Common Market – (CARICOM))	Антигуа и Барбуда, Багама ороллари, Барбадос, Белиз, Доминика, Гренада, Гайана, Гаити, Монтсеррат (Брит.), Сент-Китс ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадин, Суринам, Тринидад ва Тобаго, Ямайка	Умумий бозор
Шарқий ва Жанубий Африка учун умумий бозор (1993) (Common Market for Eastern and Southern Africa – (COMESA))	Бурунди, Комор ороллари, Конго демократик республикаси, Жибути, Миср, Кения, Ливия, Маврикий, Мадагаскар, Малави, Руанда, Свазиленд, Сейшел ороллари, Судан, Уганда, Замбия, Зимбабве, Эритрея, Эфиопия	Умумий бозор

Минтақавий иқтисодий интеграциянинг тобора кучайиши, жаҳон иқтисодиётидаги мустаҳкам ўрин эгаллаши, жаҳон сиёсатидаги муҳим роль ўйновчи субъектга айланиши баробарида у халқаро иқтисодий интеграция мавқеъига эришди ва бевосита шу ном билан аталадиган бўлди. Географик тарқалишининг амалда глобаллиги туфайли минтақавий интеграция ҳақиқатан ҳам халқаро глобал сиёсий ҳодисага айланди.

Хозирги вақтда умуман олганда олимлар ўртасида минтақавий, халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари ва глобаллашувга нисбатан ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Аммо

үтган ўн йилликлар давомида минтақавий иқтисодий интеграция ва глобализация тушунчаларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ этиш борасида жуда кўп илмий изланишлар амалга оширилган. Халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашувнинг мазмуни, моҳияти, аҳамияти ҳамда ривожланиш хусусиятларини очиб беришда жаҳон ҳамжамиятида тўпланган назарий асосларнинг айримларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Рус олими Игнатьев (2012) таъкидлашича, “Интеграция” атамаси XX-асрнинг 30-йилларида илк бор немис олимлари Kelsen, Schmitt ва Schindlerларнинг асарларида ифодаланиб, улар интеграцияни ижтимоий муносабатларни таҳлил этиш сифатида кўриб, одамларни (давлатларни) маълум бир ҳолатда қандайдир ижтимоий-сиёсий бирлашишларини назарда тутганлар. Улар интеграцияни кўпроқ хусусий, масалан, миллий иқтисодиётга қўлламасдан фақат глобал миқёсда кўрганлар. Чунки халқаро ҳамжамиятнинг ривожланиши, айниқса, иқтисодий муносабатлар соҳасида ўша даврда интеграция ғояларини амалга ошириш учун ҳали зарур шарт-шароитлар яратилмаган эди.

Уларнинг ғоялари немис ҳуқуқшуноси Карл Шмитнинг (1950) асарларида янада ривожлантирилди. Унинг назариясига кўра маълум бир нуқтадан бошлаб мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ҳудуднинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсишини, кенгайишини таъминлайди. Ушбу ҳолатда аннексия ёки ҳарбий босқинчилик талаб қилинмайди, чунки катта маконнинг шаклланиши бошқа қонунлар асосида, яъни бир нечта давлатлар ёки халқлар томонидан ягона диний ёки ижтимоий-маданий шаклларни қабул қилиш асосида содир бўлади.

Халқаро иқтисодий интеграция тўғрисидаги таърифлар, тушунтиришлар, тасниф ва тавсифлашлар, гурухлаштиришлар иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларга ривожланди. Бу бевосита Гарбий Европа давлатлари иқтисодий интеграцияси амалиёти фонида юз берди. Мазкур даврда шаклланган таърифлар кўп жиҳатдан неолиберализм ғояларига асосланади.

Америкалик олим Balassa (1961) иқтисодий интеграцияни “жараён ва ҳолат” сифатида таърифлайди. Жараён сифатида иқтисодий интеграция турли миллатларга (давлатларга) мансуб иқтисодий бирликлар орасида камситишларни (дискриминация) бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлардан иборат. Ҳолат сифатида бу мамлакатлар ўртасида камситишнинг турли шаклларини мавжуд бўлмаслиги билан ифодаланади.

Неолиберал йўналиши вакиллари интеграцияни бир нечта мамлакатларни ўз ичига оладиган геоиқтисодий маконни яратиш деб тушунтирганлар. Ушбу мақсадга эришиш учун ташқи савдо ва молия-валюта соҳаларини давлат назоратидан чиқариб ташлаш зарур эди. Улар интеграция муаммоларини ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш асосида мамлакатлар бозорларини бирлаштиришда кўрганлар. Шундай қилиб интеграция назарияси иқтисодий асосга таяниб ифодаланадиган бўлди.

Аъзо давлатлар ўртасидаги товар айланмасига алоҳида эътибор қаратилди, бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини, мамлакатлар аҳолиси фаровонлигини кўтариш, интеграция доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бериши асосланди.

Илмий адабиётларда иқтисодий интеграция алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг турли даражадаги, яъни халқаро, минтақавий ва алоҳида корхоналар ўртасидаги (микродаражада) бирлашиши ва ўзаро таъсири жараёни сифатида тушунтирилади.

Рус олими Мисько (2015) минтақавий (халқаро) иқтисодий интеграция жараёнларини назарий жиҳатдан тадқиқ этилишини уч даврга бўлади. Булар: 1) 1957-60; 2) 1960-1980 йиллар; 3) 1990 йилдан ҳозиргача. Бундай гурухлаштиришни тадқиқотчи бевосита шу даврларда жаҳон мамлакатларида минтақавий иқтисодий интеграция йўналишида юз берган жараёнларнинг хусусиятларига кўра белгилайди. Ҳозирги пайтда ушбу йўналишда тадқиқот обьекти ва предмети кенгайди ва бунинг асосий сабаблари глобаллашув шароитида интеграция жараёнларининг ўзгача тус олиши, интеграциянинг мотивлари, замонавий механизмлари, оқибатлари ўзгариши билан боғлиқ.

Холланд иқтисодчиси Tinbergen (1961) интеграциянинг икки турини ишлаб чиқди: божлар, солиқлар ва чекловчи қонунчиликни бекор қилишдан иборат “салбий” интеграция ва миллатлараро органлар ва интеграция уюшмасини шакллантириш сиёсатини яратишга қаратилган “ижобий” интеграция.

Минтақавий интеграция ва глобаллашув масалалари Марказий Осиё олимлари томонидан ҳам кенг ўрганилиб келинмоқда.

Қозоқ олим Шеръязданова (2010) берган таърифга кўра **ХИИ**: “Халқаро иқтисодий интеграция қўшни давлатлар иқтисодиётини барқарор иқтисодий алоқалар асосида ягона хўжалик мажмуасига бирлаштириш жараёни, миллий хўжалик тизимларининг яқинлашиши ва ўзаро мослашув жараёни бўлиб, у халқаро меҳнат тақсимоти ва хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий манфаатларига асосланади. Интеграция шунингдек, маълум бир тизимнинг ҳаракат ва ривожланиш жараёни бўлиб, унда иштирокчиларнинг алоқалари кучади ва уларнинг мустақиллиги пасаяди. “Интеграция” тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, integratio – бирикиш, кенгайиш, integer – яхлит, ягона, маъноларини англатади, ҳамда қисмларнинг ўз хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда бир бутунга бирлашишларини назарда тутади”.

Ўзбек олимлари Исмаилова (2019) ва Шагазатовлар (2019) ХИИга қуйидаги таърифни берганлар: “Иқтисодий интеграция мамлакатлар ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, у хўжалик механизмларининг яқинлашувига олиб келади ва бу яқинлашув давлатлараро битимлар шаклини олади ҳамда тегишли давлатлараро органлар томонидан тартибга солинади”.

Ўзбек олим Алимов (2016) таърифига кўра: “Минтақвий иқтисодий интеграция-бир нечта мамлакатларнинг минтақавий даражадаги қўшма фаолиятини қўзда тутади, улар иқтисодиётни у ёки бу турдаги ягона минтақавий хўжалик мажмуасига бирлаштиришга олиб келади”.

Тожик олим Икромов (2020) фикрича **ХИИ**: “Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг юқори, самарали ва истиқболли босқичи, иқтисодий алоқаларни байналминаллаштиришнинг эса янги ва мураккаб босқичидир. Бу босқичда нафақат миллий иқтисодиётлар бир-бирига яқинлашади, балки иқтисодий муаммоларни биргалиқда ҳал этиш ҳам таъминланади. Бинобарин, иқтисодий интеграцияни давлатлараро шартномалар ва мувофиқлаштирилган тартибга солувчи органлар шаклида иқтисодий механизмларни яқинлаштиришга олиб келадиган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ўзаро ҳамкорлик сифатида ифодалаш мумкин.

Замонавий ҳолатдан келиб чиқиб таъкидласак, ҳозирда бир томондан, жаҳон иқтисодиётининг яхлитлиги ва унинг глобаллашуви кучайиб бормоқда, бу эса ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, савдони эркинлаштириш, замонавий алоқа ва ахборот тизимларининг яратилиши, жаҳонда умумий техник стандартлар ва меъёрларни жорий этилиши билан боғлиқ. Бу жараён айниқса трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти орқали намоён бўлмоқда. Бошқа томондан, минтақавий миқёсда мамлакатлар ўртасида иқтисодий яқинлашув ва ўзаро алоқалар чуқурлашмоқда, жаҳон иқтисодиётининг нисбатан мустақил марказларини яратиш йўлида йирик минтақавий интеграция тузилмалари шаклланмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграция минтақавий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва интеграция бирлашмаларига аъзо мамлакатларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш воситасига айланди.

Халқаро иқтисодий интеграция хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги барқарор иқтисодий алоқаларга асосланган қўшни давлатлар иқтисодиётини ягона иқтисодий комплексга бирлаштиришни назарда тутувчи жараёндир. Бу жараённинг муҳим жиҳатларидан бири бу иқтисодиётдир, чунки бундай бирлашмаларнинг асосий мотиви иқтисодий манфаатлардир.

Тор маънода олганда интеграция-бу ўзаро муносабатларни фаоллаштириш ва умумий хусусиятларга асосланган давлатларнинг манфаатлар асосида ихтиёрий яқинлашиши жараёнидир (сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқалар).

Халқаро иқтисодий интеграция байналминаллашувнинг энг юқори даражаси бўлиб, бунда чуқур барқарор муносабатлар ва меҳнат тақсимоти асосида миллий иқтисодиётларнинг бирлашуви содир бўлади ҳамда ягона пул, молия, ҳуқуқий тизим ва давлатларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришнинг умумий макони вужудга келади.

Замонавий илмий адабиётларда “интеграция” тушунчасига турли таърифларни келтирилишини, биринчидан, мақсадлари ва функциялари бўйича фарқ қиласиган интеграция жараёнларининг кўплаб моделлари, турларининг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин, иккинчидан, алоҳида давлатлар ёки давлатлар гурӯҳлари томонидан олиб бориладиган миллий манфаатлардаги фарқларни кўрсатиш мумкин. Шунга қарамасдан минтақавий ёки халқаро

интеграциянинг иқтисодий, сиёсий мақсадлари, тамойиллари, роли ва аҳамиятини қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

- иқтисодий маконни кенгайтириш ва хўжалик ҳаёти байналминаллашувини ўстириш;
- капитални халқаролаштириш;
- ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш самарали бўлиши учун янада қулай шартшароитлар яратиш;
- ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш;
- ривожланиш даражаси юқори бўлган шерик мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда иқтисодий тизимларни таркибий қайта қуриш;
 - ихтисослашувни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришнинг "кўлам таъсири"ни ошириш;
 - қиёсий устунликлар асосида минтақавий ва халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш;
 - турли мамлакатлар миллий иқтисодиётларини тўлиқ ёки қисман бирлаштириш;
 - илмий-техник ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорлик базасини шакллантириш ва такомиллаштириш;
 - миллий иқтисодиётларнинг очиқлилиги даражасини ошириш ва савдони эркинлаштириш;
 - ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва оқибатда товар ва хизматлар нархини пасайтириш орқали аъзо мамлакатларда иқтисодий фаровонликни ўстириш;
 - товарлар, хизматлар, ресурслар, капитал, ишчи кучи ҳаракатидаги тўсиқларни бартараф этиш;
 - турли мамлакатлар ўртасида умумий бозорларни шакллантириш;
 - транспорт, логистика йўналишларида қулай муҳитни яратиш орқали товар ва хизматлар ҳаракатини тезлаштириш;
 - иқтисодий ривожланиш суръатларини тезлаштириш;
 - мамлакатлар ўртасида сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа иқтисодий бўлмаган соҳаларда ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
 - мамлакатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини барча йўналишларда мустаҳкамлаш. Қарама-қаршиликларни бўлишига йўл қўймаслик. Қулай ташқи сиёсий муҳитни яратиш ва сақлаш;
 - ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш ва учинчи мамлакатларга нисбатан ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун иштирокчи мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.

Мамлакатлар бир-бири билан интеграциялашуви учун бир қатор шартлар бўлишилиги тақозо этилади. Мамлакатлар ўртасида интеграцион бирлашмаларни тузиш ва самарали фаолият юритишнинг асосий шартлари қўйидагилардан иборат:

- иқтисодий ривожланиш шароитларининг яқинлиги ва бозор муносабатлари етуклигининг даражаси бўйича ўхшашлик;
 - умумий чегаранинг мавжудлиги ёки ҳеч бўлмаганда географик яқинлик;
 - иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги;
 - мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги тарихий алоқаларнинг мавжудлиги;
 - иштирокчи мамлакатларнинг сиёсий иродаси;
 - бошқа интеграция бирлашмалари учун "устунликни намойиш қилиш эфекти";
- Интеграция блокларининг мұваффақияти таъсири остида бошқа давлатлар ушбу ташкилотга қўшилиш истагига эга бўладилар. Европа Иттифоқининг намойиш эфекти 13 та Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун ариза беришга ундан ташқари, дунёнинг турли бурчакларида интеграцион гурухлар ҳам бевосита Европа Иттифоқининг намойиш эфекти остида ташкил топган.

▪ "Домино эфекти". Интеграция аъзо мамлакатларнинг иқтисодий алоқаларини минтақалараро ҳамкорликка йўналтиришга олиб келганлиги сабабли, бирлашмадан ташқарида қолган қолган давлатлар гурухга киравчи мамлакатлар билан савдо қилишда баъзи қийинчилкларга дуч келадилар. Натижада, улар ҳам интеграцияга қўшилишга мажбур бўладилар.

Хулоса ва таклифлар.

Интеграция тадқиқотлари XX аср ўрталаридан бошлаб фаол равишда олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда хорижда ва мамлакатимизда интеграция муносабатларига таалукъли бир қанча илмий тушунчалар, ғоялар ва концепциялар шаклланган. Буларга қуйидагилар киради: федерализм ва неофедерализм, функционализм ва неофункционализм, коммуникация назарияси, давлатлараро ёндашув, структурализм, неолиберализм, кўп босқичли бошқарув назарияси.

Халқаро иқтисодий интеграция иқтисодий алоқаларни чукурлаштириш йўлидаги энг юқори нуқтадир. Халқаро иқтисодий натижасида ушбу интеграциялашган минтақага хос бўлган яхлит иқтисодий мажмуалар шаклланиб, унинг доирасида ягона валюта, ягона давлатлараро ва миллатлараро бошқарув органлари жорий этилади, умумий инфратузилма яратилади ва қўшма молиявий жамғармалар шакллантирилади. Тўлиқ интеграция жараёни содир бўлишидан олдин манфаатдор давлатлар бир қатор босқичлардан ўтишлари лозим бўлади.

Ҳар бир интеграцион гуруҳнинг иқтисодий модели узоқ тарихий жараённинг натижасидир, ушбу жараёнда минтақавий иқтисодий мажмуанини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро боғлиқлиги қурилади ва бу ерда уларнинг ўзаро таъсири механизми мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳар бир минтақавий иқтисодий тизим ўзига хосдир ва унинг тажрибасини механик равиша олиш самарасиз йўлдир. Шу билан биргалиқда, мавжуд савдо-иқтисодий гуруҳларнинг қиёсий таҳлили далолат берадики, минтақавий интеграция ривожланишининг маълум умумий қонуниятлари, бир қатор маҳсус босқичлардан кетма-кет ўтиши ва унда ҳар бир босқичнинг ўзига хос характерли хусусиятлари, интеграция интенсивлигининг турли даражалари, чукурлиги ва кўлами мавжудлигини кўрсатади. (Ўзаро савдо битими, эркин савдо худуди, божхона иттифоқи, умумий бозор, ягона валюта, иқтисодий иттифоқ).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тобора кенгайтириб, турли минтақавий ва халқаро иқтисодий интеграцион ташкилотларда фаол иштирок этаётган бир пайтда ҳамкорликни ривожлантиришда интеграция йўналишида жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиши талаб этилади. Бу эса мазкур йўналишда назарий жиҳатларни ҳар томонлама батафсил ўрганиш заруратини англатади.

Адабиётлар/Literatura/Reference:

- Albertini M. (1960). *The Nation, Ideological Fetish of Our Time. The Federalist*, 32, p. 83.
- Balassa B. (1961). *The Theory of Economic Integration*. Routledge
- Cooper, R. and John, A. (1988). Coordinating coordination failures in Keynesian models. *Quarterly Journal of Economics*, 103(3):441–463.
- Forsyth M. (1981). *Unions of states: the theory and practice of confederation*. Leicester University Press
- Haas E (1958). *The uniting of Europe: political, social, and economic forces, 1950–1957*. Notre Dame, Indiana: University of Notre Dame Press
- Maurice A. (1998). Условия эффективности в экономике /пер. с фр. М.: Науч.-изд. центр "Наука для общества"
- Mitrany D. (1944). *A Working Peace System: An Argument for the Functional Development of International Organization*. Oxford University Press
- Mitrany D. (1975). *The Functional Theory of Politics*. New York: St. Martin's Press
- Myrdal G. (1958). *An International Economy: Problems and Prospects*. Harper & Brothers Publishing Company
- Perroux F. (1973). *Multinational investments and the analysis of development and integration poles // Economies et societes*. № 5-6.
- Ropke W. (1950). *The social crisis of our time*. University of Chicago Press
- Rostow W. (1959). *The Stages of Economic Growth. The Economic History Review, New Series*, Vol. 12, No. 1, pp. 1-16. <https://doi.org/10.2307/2591077>
- Spinelli A. (1950). (итал. Altiero Spinelli; *Dagli Stati sovrani agli Stati Uniti d'Europa* (Ом суверенных государств к Соединённым штатам Европы).
- Streeten P. (1958). *Value in Social*. London. Routledge
- Tinbergen J. (1961). *The Theory of Economic Integration (Routledge Revivals)*
- Tinbergen J. (1965). *International Economic Integration (1965)* Elsevier Publishing Company

- Tinbergen, J. (1954) *International Economic Integration.* /J. Tinbergen. - Amsterdam: Elsevier, - p.78.
- Алимов А. (2016). "Глобаллашув ва минтақавий иқтисодий интеграция жараёнлари. Т.: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти нашириёти, 96 б.
- Игнатьев Н. (2012). О понятии экономической интеграции хозяйствующих субъектов. Экономический журнал, № 3. стр.99-104
- Икромов Д. (2020). Международная экономическая интеграция. Учебник и практикум. М.: Юрайт, стр.14
- Исмаилова Н., & Шагазатов У. (2019). Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: IQTISODIYOT, 164 б.
- Мисько О. (2015). Международная экономическая интеграция. – СПб: Университет ИТМО, стр. 174.
- Хейфец В. (2022). Международная интеграция: учеб. пособие. СПб.: ГУАП, стр.5
- Шеръязданова К. (2010). Современные интеграционные процессы: учебное пособие. Астана: Академия гос. упр. при Президенте РК, стр. 10
- Шmitt K. (1950), [2008]. Номос земли вправе народов. *Jus Publicum Europaeum.* Перевод с немецкого К. Лощевского и Ю. Коринца под редакцией Д. Кузницына Санкт-Петербург "ВЛАДИМИР ДАЛЬ"